



# MOTURIDIYLIK

THE MATURIDIYYA - الماتريدية - МАТУРИДИЗМ

Narsalarning asl mohiyatini  
bilishga olib boradigan yo'llar - hissiy anglash,  
rost xabar va aqlidir.



# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм



## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

- Музаффар КОМИЛОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент
- Нуриддин ХОЛИҚНАЗАРОВ** – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий
- Шоазим МИНОВАРОВ** – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори
- Давронбек МАХСУДОВ** – тарих фанлари доктори, доцент
- Зоҳиджон ИСЛОМОВ** – филология фанлари доктори, профессор
- Аҳаджон ҲАСАНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор
- Шовосил ЗИЁДОВ** – тарих фанлари доктори, доцент
- Жамолиддин КАРИМОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
- Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ** (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори
- Маҳмуд Эрол ҚИЛИЧ** (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори
- Назир Мухаммад АЙЁД** (نظير محمد عياد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азхар мажмуаси Ислом тадқиқотлари академияси Бош котиби
- Режеп ТУЗЖУ** (Recep Tuzcu) – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети ҳузуридаги Имом Мотуридий тадқиқот маркази директори
- Аширбек МУМИНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси
- Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ** (Kamaluddin Nurdin Marjuni) – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири
- Дониёр МУРАТОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент
- Одил ЭРНАЗАРОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

*Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2023 йил 7 мартдаги 03-07/1503-сонли ҳулосаси асосида тайёрланди.*

## МУНДАРИЖА

|                                                                                                                              |     |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| <b>Nigora Yusupova.</b> Исломда гендер тенгликнинг ўзига хос тамойиллари .....                                               | 3   |
| <b>Shoislom Akmalov.</b> Янги Ўзбекистон маърифий тақомилида илмий марказларнинг ўрни .....                                  | 12  |
| <b>Ilhomjon Bekmirzayev, Azamkhan Kambarov.</b> “Ҳидоя” асарининг ёзилиш тарихи ва унинг турли тиллардаги таржималари .....  | 19  |
| <b>Nematulla Nasrullayev.</b> Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг “Тавзиҳ” асари манбалари ҳақида .....                                | 29  |
| <b>Muhabbatkhan Agzamova.</b> “Тарих ар-Русул вал-мулк” асарида ислом манбалари асосидаги ривоятларнинг баён этилиши .....   | 41  |
| <b>Nigora Khakimova.</b> “Маҳосин” асарида енгиллаштириш тамойилининг қўлланилиши .....                                      | 48  |
| <b>Bakhodir Daminov.</b> Жамиятда диний мутаассибликни вужудга келтирувчи турли омиллар таҳлили .....                        | 55  |
| <b>Bakhodir Pirmukhamedov.</b> Маҳмуд Замахшарийнинг “Рабиъ ал-аброр” асарининг методологияси .....                          | 65  |
| <b>Akhmadkhan Alimov.</b> Мотуридий уламоларининг калом илми ривожига қўшган ҳиссаси .....                                   | 72  |
| <b>Abdulaziz Yakhshilikov.</b> Сабаби нузул илми ривожланиш босқичларини тадқиқ этишнинг назарий масалалари .....            | 83  |
| <b>Ikhtiyor Abdurahmonov.</b> “Шарҳ ат-Таъвилот” асари қўлёзмаларининг манбашунослик тавсифи .....                           | 91  |
| <b>Mamurjon Erkayev.</b> Ижара ақди билан боглик оятлар таҳлили .....                                                        | 98  |
| <b>Nodir Shomirzayev.</b> Реабилитация тушунчасининг шаклланиши ва диний реабилитациянинг ривожланиш тарихи .....            | 107 |
| <b>Ulugbek Jorayev.</b> Туркия тарихида мотуридийлик таълимотининг ривожланиш босқичлари таҳлили .....                       | 118 |
| <b>Jasurbek Abduqodirov.</b> The role of Imam Maturidi's mausoleum in the development pilgrimage tourism in Uzbekistan ..... | 124 |
| <b>Pirnazar Rajapov.</b> Saljuqiylar davlatining shakllanish jarayoni (1038–1157) .....                                      | 130 |
| <b>Абу Мансур Мотуридий</b> (тарихий романдан парча) .....                                                                   | 140 |

**Mamurjon R. ERKAYEV,**  
*Doctoral Student of the International  
 Islamic Academy of Uzbekistan.*  
 11, A.Kadiri str. 100011,  
 Tashkent, Uzbekistan.  
 E-mail: [mamurjon8693@gmail.com](mailto:mamurjon8693@gmail.com)

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023-1/12

## ИЖАРА АҚДИ БИЛАН БОҒЛИК ОЯТЛАР ТАҲЛИЛИ

### THE ANALYSIS OF THE VERSES RELATING TO THE RENTAL AGREEMENT

#### АНАЛИЗ ОЯТОВ, КАСАЮЩИХСЯ ДОГОВОРА АРЕНДЫ

#### КИРИШ

Ислом ҳукуқшунослигида ижтимоий-хукукий муносабатларга оид масалалар асосан фикҳ ва фатво жанрида ёзилган адабиётлар асосида ўрганилади. Мазкур икки жанрда ёритилган масалаларнинг барчаси Қуръон, ҳадис ва уламолар ижмояси асосида шакллантирилган. Мавзуга доир Қуръон оятлари тўғрисида нафақат ислом оламида, шу жумладан Мовароуннаҳрда яшаб ижод қилган муфассирларнинг қарашлари ҳамда уларнинг тафсири фанига оид бир қатор асарларида ижара шартномалари билан боғлиқ фикҳий қоидаларни ишлаб чиқиши муҳим аҳамият касб этди.

Ижара, яъни бирор нарсани муайян миқдордаги эваз баробарига вақтинча фойдаланиш учун бериш ёки олиш борасида ҳукукий маданиятни тартибга солиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Зеро, ижара масалалари инсонлар томонидан энг кўп мурожаат қилинадиган ижтимоий-хукукий муносабатлар сирасига қиради. Демак, унинг ҳукукий жиҳатларини ёритиш, таҳлил қилиш, тадқиқ этиш одамлар орасида ўзаро ҳукукий маданиятни шакллантириш билан бирга, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилинишига олиб келади.

#### АСОСИЙ ҚИСМ

Ислом ҳукуқшунослигида ҳар бир ҳукукий ағама Қуръон оятлари билан асосланади. Уларни тушунишда мужтаҳид муфассирлар-

нинг илмий қарашлари ўрганиш мазкур ҳукукий муносабатларни тартибга солинишида муҳим аҳамият касб этади. Айрим лугат олимларининг фикрига кўра, “الإجارة” [al-ijaratu] сўзи يَجُرُّ - أَجَرَ [ajaġo-y’ajiru] феълдан ясалган исм бўлиб, бирон бир амал эвазига бирилган иш ҳақи маъносини ифода қилади” (Ibn Manzur, 2006:10–11). Демак, Қуръондаги ижара сўзнинг маъноси, мазмун моҳиятини англатувчи сўзларни ўрганиш, таҳлил қилиш илмий ишни кенг ўрганилишида муҳим ҳисобланади. الإجارة [al-ijaratu] сўзининг айнан ўзи Қуръонда зикр қилинмаган. Аммо унинг ўзаги أَجَرَ [ajġ,un] сўзи 87 мартаба келтирилган. Уларнинг аксари (ҳақ, савоб, мукофот (Ibrohim N., 2017:31)) маъноларини англатади. Фақатгина, Каҳф сурасининг 77-оятда ҳамда Қасос сурасининг 25-оятда “хизмат ҳақи” маъносини англатади. أَجَرَ [ajġ,un] сўзнинг кўпلىк шакли أَجُورُ [ujur,un] бўлиб, у Қуръонда 12 марта келтирилган. Уларнинг барчасидан (ҳақ, савоб, мукофот, маҳр (Ibrohim N., 2017:31–32)) маъноларини тушунилади. Улардан фақат Талок сурасининг 6-оятда зикр қилинган أَجُورُ сўзи ижара шартномаси билан боғлиқ эканини кўриш мумкин.

Шунингдек, اسْتَأْجَرَ [iṣṭa’jaro] (ижарага олди (Ibrohim N., 2017:31) феълди Қасос сурасининг 26-оятда икки марта, تَأْجُرُ [ta’juru] (нарсани ижарага берди (Ibrohim N., 2017:30) феълди мазкур суранинг 27-оятда бир марта зикр қилинган. Ундан ташқари, айрим оятларда ижара шартномаси билан боғлиқ масалалар ёритилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Жумладан, Бақара сурасининг 233-оятда қуйидагича баён қилинган.

وَالَّذِينَ إِذَا تَرَضُّواْ لِّعِبَادَةِ رَبِّهِمْ أُولَٰئِكَ هُمُ الَّذِينَ كَانُواْ يُرَىٰ بِالنُّفُوسِ لَا تُرَىٰ بِالْأَبْصَارِ وَلَا يُحِصَوْنَ فِي السَّمٰوٰتِ ۚ أُولَٰئِكَ هُمُ الْمُتَّقُونَ ۚ وَالَّذِينَ إِذَا تَرَضُّواْ لِّعِبَادَةِ رَبِّهِمْ أُولَٰئِكَ هُمُ الَّذِينَ كَانُواْ يُرَىٰ بِالنُّفُوسِ لَا تُرَىٰ بِالْأَبْصَارِ وَلَا يُحِصَوْنَ فِي السَّمٰوٰتِ ۚ أُولَٰئِكَ هُمُ الْمُتَّقُونَ ۚ وَالَّذِينَ إِذَا تَرَضُّواْ لِّعِبَادَةِ رَبِّهِمْ أُولَٰئِكَ هُمُ الَّذِينَ كَانُواْ يُرَىٰ بِالنُّفُوسِ لَا تُرَىٰ بِالْأَبْصَارِ وَلَا يُحِصَوْنَ فِي السَّمٰوٰتِ ۚ أُولَٰئِكَ هُمُ الْمُتَّقُونَ ۚ

Оналар болаларини тўла икки йил эмиздилар. (Бу мударрат) эмизширн камолига етказишни истовчилар учундир. Уларни (оналарни) меъёрида озуклантириш ва кийинтириш отанинг (эрнинг) зиммасидадир. Ҳеч кимга тоқатидан ортиқ (масъулият) юкланмайди. Болалар туфайли ота ҳам, она ҳам зарар кўрмасин! Меросхўрнинг зиммасида ҳам худди шундай (нафақа масъулияти бор). Агар (ота-она) ўзаро келишиб, маслаҳат билан (болани суддан) ажратмоқчи бўлсалар, гуноҳкор бўлмайдилар. Агар болаларингизни (бегона

**Аннотация.** Ушбу мақолада ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларга оид ижара шартномаси, яъни бирор нарсани муайян миқдор эвазига вақтинча фойдаланишга бериш ёки фойдаланиш учун олиш борасида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, ундан фойдаланиш тартибларини шиклаб чиқиш билан боғлиқ Қуръон оятлари таҳлил қилинди. Аҳамиятли томони шундаки, мавзу энг аввало олдинги пайгамбарлар динида ижара муносабатларини тартибга солиниши билан боғлиқ масалаларни очиб бериши, шунингдек, ислом дини келгач, ижарага оид жорий қилинган янги тартиб-қоидалар таҳлил қилиниши билан аҳамиятлидир. Натижада, инсонлар ўртасидаги ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларга доир ижара шартномаларини тузишда эътибор бериш керак бўлган айрим жиҳатлари очиб берилди. Мақолада араб тилидаги ижара маъносини ифода қилувчи сўзлар Қуръонда қайси маъноларда қўлланилганлиги ёритилди. Шунингдек, Қуръонда ижара шартномасининг шариатда жоизлиги билан боғлиқ оятлар келтирилган бўлиб, жумладан, Бақара сурасининг 233-ояти, Талоқ сурасининг 6-ояти, Қасос сурасининг 27-ояти, Каҳф сурасининг 72-ояти, Жума сурасининг 10-ояти, Юсуф сурасининг 72-ояти ва Бақара сурасининг 198-ояти хусусида муфассир ва фақиҳларнинг фикрлари атрофлича ёритилди, қиёсий таҳлил қилинди ва илмий хулосалар билдирилди.

Таъкидлаш жоизки, мақолани ёритишда ислом оламининг классик даврида тафсир фани бўйича кўзга кўринган Абу Бакр Жассос (ваф. 980), Муҳиддин ибн Арабий (ваф. 1241), Шамсиддин Қўртубий (ваф. 1273), Ибн Касир Дамашқий (ваф. 1373)лар қаторида Мовароуннаҳр алоомлари Имом Мотурудий (ваф. 945), Абу Лайс Самарқандий (ваф. 1003) каби муфассирларнинг асарларидан фойдаланилди.

**Калит сўзлар:** ижара, эваз, ақд, фазл, маҳр, никоҳ, талоқ, эмизги, тижорат, касб.

**Abstract.** This article analyzed the verses of the Qur'an related to the creation of a legal culture and the development of procedures for the use of a rental contract for social and legal relations, i.e. giving something for temporary use or taking it for use for a certain amount. The important thing is that the topic reveals the issues related to the regulation of rental relations in the religion of the previous Prophets, as well as the analysis of the new rental procedures that were introduced as well after the advent of Islam. As a result, some aspects such as social and legal relations between people that should be paid attention to when drawing up lease agreements were revealed. In the article, it was explained the meanings of the words that are expressing the meaning of rent in the Arabic language which are used in the Qur'an. Also, Qur'an contains such verses that are related to the legality of the rental contract according to the rules of Sharia, including Surah Al-Baqara, verse 233, Surah Talaq, verse 6, Qasas Surah, verse 27, Kahf Surah, verse 72, Juma Surah, verse 10, Yusuf Surah, verse 72, verse 198 of Surah Baqara and regarding verses. The opinions of commentators and jurists were comprehensively covered, a comparative analysis was made, and scientific conclusions were presented in this article.

It should be noted that, in covering the article, the works of Abu Bakr Jassas (d. 980), Muhyiddin Ibn Arabi (d. 1241), Shamsuddin Qurtubi (d. 1273), Ibn Kathir Dimashqi (d. 1373), who were prominent in the subject of tafsir in the classical period of the Islamic world, were used. The works of commentators of the scholars of Mawarannahr such as Imam Maturudi (d. 945), and Abu Lais Samarqandi (d. 1003) were also used.

**Keywords:** lease, exchange, contract, virtue, dowry, marriage, divorce, breastfeeding, trade, profession.

**Аннотация.** В данной статье проанализированы аяты Корана, связанные с созданием правовой культуры и развитием порядка использования договора аренды для общественно-правовых отношений, т.е. предоставления чего-либо во временное пользование или взятия в пользование на определенный срок или количество. Важность темы в том, что в нем раскрываются вопросы, связанные с регулированием арендных отношений в религии предыдущих пророков, а также анализ новых правил аренды, введенных после прихода ислама. В результате выявлены некоторые аспекты общественно-правовых отношений между людьми, на которые следует обращать внимание при заключении договоров аренды. В научной статье описаны значения слов, употребляемых в Коране в значении аренды на арабском языке. Коран также содержит аяты о законности договора аренды, в том числе аят 233 суры аль-Бакара, аят 6 суры ат-Талак, аят 27 суры аль-Касас, аят 72 суры аль-Кахф, аят 10 суры аль-Джума, аят 72 суры Юсуф и аят 198 суры аль-Бакара. Взгляды муфассиров и факихов на эти стихи были описаны, сопоставлены и сделаны научные выводы.

Работы комментаторов, которые занимали видное место в области тафсира в исламском мире, таких как Абу Бакр Джассас (ум. 980), Мухиддин ибн Араби (ум. 1241), Шамсуддин Куртуби (ум. 1273), Ибн Касир из Дамаска (ум. 1373) и других ученых Мавераннахра, таких как Имам Матуриди (ум. 945) и Абу Лайс Самарканди (ум. 1003), были использованы при написании статьи.

**Ключевые слова:** аренда, обмен, договор, фадхль, приданое, брак, развод, грудное вскармливание, торговля, профессия.

аёлга) эмиздирмоқчи бўлсангиз, ҳақсини мерида тўлаб берингиз, гуноҳкор бўлмайсиз. Аллоҳдан қўрқингиз ва билингизки, албатта, Аллоҳ қилаётган ишларингизни кўриб турувчи зотдир (Абдулазиз Мансур, 2021:37).

Барча улаомларнинг иттифоқида кўра мазкур оят ислом ҳуқуқида ижара шартномасининг жоиз эканига далolat қилади. Унда эмизлик болани эмизиш билан боглик ижара шартномасига онд бир неча масалалар баён қилинган. Хусусан:

- болани эмизиш билан боглик ижара шартномасининг энг узок муддати икки йил экани; бу улаомлар ўртаси ихтилоф қилинган масала бўлиб, Абу Ҳанифа: “Эмизиш муддати икки ярим йил”, Абу Юсуф ва Муҳаммадлар: “Икки йил” (Shayx Ismoil Haqqiy, 1971:368), деб таъкидлаган.

- эмизиш муддати давомида она ва боланинг нафақаси отанинг зиммасига вожиблиги;

- она ва болани нафақа билан таъминлашда отанинг молиявий имкониятлари инobatта олиниши;

- ижара ҳақи ўзаро томонларнинг келишуви асосида белгиланиши;

- она ижара ҳақини ортиқча талаб қилишга, шунингдек, ота болани эмизишда онани мажбурлашга ҳақли эмаслиги; чунки мазкур масалада ота ёки онадан бирига зарар етиши эҳтимолдан холи эмас.

- агар ота вафот этган бўлса ёки дом-дараксиз йўқолган бўлса, болани эмизиш билан боглик масалалар, яъни онаси ёки бегона аёл билан тузилган ижара шартномасида белгиланган вазифаларни бажариш боланинг меросхўрларининг зиммасига лозим экани;

- ўзаро келишган ҳолда болани эмизиш билан боглик ижара шартномасини муддатидан олдин бекор қилишнинг жоизлиги;

- агар боланинг онаси вафот этса ёки эми-зишдан бош тортса ёки узрли сабабларга кўра болани эмиза олмаса, ота бегона аёлни ижара шартномаси асосида ёллашнинг жоизлиги;

Ислом ҳуқуқида болани эмизиш муддати хомиланинг муддати билан бевосита боглик экани айтилган. Бу масалани Ибн Аббос қуйидагича баён қилган: “Агар бола олти ойда тугилса, уни тўлиқ икки йил эмизлади. Агар етти ойда тугилса, йигирма уч ой, агар тўққиз ойда тугилса, йигирма бир ой эмизлади”, деди ва “Унга хомиладорлик ва уни (сутдан) ажратиш (муддати) ўттиз ойдир” (Абдулазиз Мансур, 2021:504), оятини ўқиди (Жалолиддин Суютий, 2003:110–111).

Юқоридаги оятда болани эмизиш муддати икки йил экани айтилган бўлса-да, мазкур оятда эса хомиладорлик ва болани эмизиш муддати умумий ўттиз ой экани баён қилинган. Шунга кўра, Ибн Аббоснинг фикри кўпчилик фақиҳлар томонидан қўллаб-қувватланган. Шундан келиб чиқиб, болани эмизиш билан боглик ижара шартномасининг муддати болани неча ойда тугилганига қараб белгиланади деб хулоса қилиш мумкин. Белгиланган муддат тугагач ижара асосида эмизишга ёлланган аёл ижара ҳақи талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Ислом ҳуқуқшунослигига онд манбаларда, узурли сабаб бўлса, хусусан, онада турли юқумли касалликларнинг бўлса ёки она сути етарлики иммунитетга эга бўлмасдан боланинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатса, шунингдек, узрли сабабларсиз она болани эмизишдан бош тортса ота болани эмизиш учун ижара шартномаси асосида бегона аёлни ёллаши жоизлиги айтилган.

Манбаларда болани эмизиш билан боглик айрим масалаларда муфассирларнинг фикри тур-лича эканини кўриш мумкин. Жумладан, “Рух ал-баён” тафсирида: “Ота боласини эмизиш учун бегона аёлни ёллаши жоизлиги билан бир қаторда онасини уни эмизишдан таъкидлаб қўйиши мумкин” (Шайх Исмоил Ҳақкий, 1971:370), дейилган. Бунга турли сабабларни келтириш мумкин. Масалан, онасининг ҳуқуқи ёмонлиги ва ҳоказо.

“Рух ал-маъоний” асарида эса, мазкур гап шофеий мазҳаби улаомларини фикри бўлиб, ҳанафий маҳабида болани эмизишга бошқалардан кўра она ҳақдир. Зеро, агар она боласини эмизишга рози бўлса, ота бегона аёлни ёллаши жоиз эмаслиги (Shihobiddin Alusi, 1998:148) айтилган. Демак, ҳанафий мазҳаби улаомлари-нинг фикрига кўра, ҳар қандай ҳолатда она боласини эмизишга ҳайрихоҳ бўлса, ота унга тўқсинлик қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Юқоридаги оятдан эр ўзининг никоҳидаги рафиқасини ўрталаридаги никоҳ бузилмаган (яъни талок қилинмаган) бўлса-да, боласини эмизиш учун ижара шартномаси асосида ёллаши жоиз деган тушунча келиб чиқади. Чунки оятда аёлнинг талок қилинган ёки талок қилинмагани тўғрисидаги шарт зикр қилинмаган. Балки оят умумий маънони ифода қилади. Аммо фикҳий манбаларда эр турмуш ўртоғини ўрталаридаги никоҳ бузилмасидан ижара шартномаси асосида боласини эмизиш учун ёллаши жоиз эмаслиги, таъкидланган.

Мазкур ижтимоий-ҳуқукий муносабат Талок сурасининг 6-ояти билан тартибга солинган.

فَإِنْ أَزْوَاجُكُمْ أَتَوْهُنَّ مِنْكُمْ بَغْضًا  
وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ فَتَرْجِعْنَ لَهُنَّ الْوَلَدَ

**“Бас, агар (талок қилинган аёлларингиз) сизлар учун (бола) эмизсалар, у ҳолда уларнинг ҳақларини берингиз! (Эмизиш хусусида) яхшилик билан ўзаро келишиб олингиз! Агар (келиша олмасдан) танг ҳолга тушсангиз, бас, у (ота) учун (боласини) бошқа (бир аёл) эмизур”** (Талок, 6-ояти) (Абдуллазиз Мансур, 2021:559).

Уламоларнинг иттифоқиға кўра мазкур оят ҳам ислом ҳуқуқида ижара шартномасининг жоиз эканига далолат қилади. Унда болани эмизиш билан боглиқ ижара шартномасида эътибор берилиши лозим бўлган бир қанча масалалар баён қилинган. Жумладан,

- онани ижара шартномаси асосида боласини эмизишга жалб қилиш учун у талок қилинган бўлиши;
- ижара асосида эмизишга ёлланган она ижара ҳақи талаб қилиш ҳуқуқиға эға экани;
- эмизиш хусусида ижара ҳақи ўзаро келишилган ҳолда белгиланиши;
- томонлар келишувға амал қилиши лозимлиги;
- эмизиш масаласида келиша олмасалар, ота боланинг онасини мажбурламаслиги; айрим ҳолатлар бундан мустасно.
- она болани эмизиш хусусида таклиф қилинган ижара келишувини рад этиш ҳуқуқиға эға экани;
- ота ижара шартномаси асосида бошқа аёлни эмизиш учун жалб қилиши жоизлиги.

Мазкур масала “Тафсир ал-Қуръони ал-аъзим” китобида қуйидагича баён қилинган: талок қилинган аёл ҳомиласини дунёға келтириши билан иддаси тугайди ва боин талок бўлган ҳисобланади. У ҳуқукий жиҳатдан боласини эмизиш ёки эмизмаслик ихтиёриға эға. Агар болани эмизса, ижара ҳақи олиш ҳуқуқиға эға бўлади. Аёл хизмат ҳақи миқдорини белгилаш юзасидан боланинг отаси ёки унинг ўрнини босувчи шахслар билан келишувни амалға оширади (Ибн Касир, 1999:153).

Демак, бола дунёға келганидан сўнг ота ёки унинг ўрнини босувчи шахслар она сутининг болага фойдаси кўп эканини инобатға олиб, унга

болани эмизишни таклиф қилса, она хизмат ҳақи сифатида маълум бир миқдорни талаб қилиши мумкин ва бу келишув ижара шартномаси орқали амалға оширилади. Шунингдек, унда томонларнинг вазифалари, мажбуриятлари ва унинг муддати белгиланишиға алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Бу ўринда она талок қилинган бўлиши хусусида “Таъвилоти аҳли сунна” китобида таъкидланишича: хотин эридан ажрашиб, болани эмизиш учун ижара шартномаси тузиши ва ижара ҳақи олиш ҳалол. Аммо эрининг никоҳида бўла туриб, эридан бўлган боласини эмизиш учун ижара ҳақи талаб қилиш жоиз эмас (Имом Мотуридий, 2005:71). Чунки эрининг никоҳида бўлган аёл ва унинг боласини нафақаси отанинг зиммасида бўлади. Шу боис, эр-хотин ўртасидаги никоҳ бекор қилинмаган бўлса, хотин эридан нафақасидан бошқа молиявий мажбуриятларни талаб қилишға ҳуқуқиға эға бўлмайди.

Демак, ижара ҳақининг белгиланишиға асосий сабаб, она болани эмизиши ва уни боқиш учун бошқа иш билан шугулланмаслигидир. Ижара шартномаси асосида эмизишға жалб қилинган шахс (онаси ёки бошқаси) шартномада белгиланган муддат давомида болани эмизиши, уни парваришлаши ва унинг тарбияси билан шугулланиши лозим бўлади. Агар она ижара ҳақини олмаса, ўзи ва боланинг нафақаси учун ишлаб пул топишға мажбур бўлади. Бу эса, боланинг ривожланиши ва унинг тарбиясиға салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Болани эмизиш масалада она мажбурланмаслиги оятда таъкидланган бўлса-да, истисно тарзда айрим ҳолатларда мажбурланиши мужтаҳидлар томонидан баён қилинган. Жумладан, Заххок шундай деган: “Агар она болани эмишиздан бош тортса, ота бошқа аёлни ижара асосида ёллайди. Аммо бошқа аёллар (ижара келишувини) қабул қилмасалар, она боласини ижара ҳақи асосида эмизишға мажбур қилинади” (Шамсиддин Куртубий, 2006:56). Чунки бу ўринда боланинг ҳаётини сақлаб қолиш муҳим эканиниға эътибор қаратилган. Шунингдек, айрим ҳолларда бола ўз онасидан бошқасининг кўкрагини қабул қилмаслиги мумкин. Шу каби ҳолатларда ҳам она боласини ижара шартномаси асосида эмизишға мажбур қилинади.

Шунингдек, Қасос сурасининг 27-оятида ҳам ижара шартномаси билан боглиқ масалалар ёритилган.

قَالَ إِنَّ أَرَبَهُ أَنْ أَكْبَحَكَ إِحْدَى أَيْتَمَعِ عَتَمَتَيْنِ عَلَيَّ أَنْ تَأْتِيَنِي  
عَلَيَّ جَحِجَحٍ فَإِنْ أَتَيْتَ عَشْرًا فَمِنْ عَيْدِكَ

**“Менга саккиз йил ишлаб беришнинг шарти билан, шу икки кизимдан бирини сенга никоҳлаб бермоқчиман, агар ўн йилни тамомласанг, бу сенинг ишинг”, – деди (Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф, 2013:380).**

Мазкур оятни “Бадое ас-саное” китобининг муаллифи қуйидагича тафсир қилган: “Менинг ижарачим бўлгин ёки мен сенга кизимни никоҳлаб берганим эвазига менинг қўйларимни саккиз йил бокиб бергин” (Алоуддин Косоний, 2003:512).

Муаллифнинг фикрига қўра, Шуайб пайгамбар Мусога ижара келишувини таклиф қилган. Унда қўйларни саккиз йил бокиш, унинг эвазига кизларини никоҳлаб бериш таклиф қилинган.

“Тафсир Қуръон ал-аъзим”да мазкур оят қуйидаги ҳадис билан тафсир қилинган: “Али ибн Лахмий: “Мен Утба ибн Надр Салмийнинг Расулulloх (с.а.в.): “Мусо иффатини сақлаш ва коринини тўйдириш учун ўзини ижарага берди”, деб айтганларини эшитдим”, деди” (Ибн Касир, 1999:230).

Таъкидлаш жоизки, Мусо пайгамбарнинг бошқа имкони ҳам бўлмаган. Чунки ўзи Мисрдан қочиб келган ва коринини тўйдириш учун мазкур таклиф, яъни ижара келишувига розилик билдирган.

“Таъвилоти аҳли сунна”да таъкидланишича: икки киздан бири отасидан уни ижарага олишни талаб қилган. Отаси унга никоҳни таклиф қилди. Ваҳоланки, кизда никоҳга қизиқиш бўлмаган. Аллох таоло оятда: **“Менга саккиз йил ишлаб беришнинг шарти билан”,** деб воқеани баён қилди. Бу икки хил маънони ифода қилади:

Биринчиси, кизларнинг отаси никоҳ ва маҳрнинг бадалига саккиз йил ишлаб беришни шарт қилган. Саккиз йил белгиланишининг сабаби эса, ўша вақтда қўй боқувчининг саккиз йиллик меҳнати учун бериладиган хизмат ҳақи аёл кишининг маҳри мисл миқдорига тенг бўлган.

Иккинчиси, саккиз йиллик меҳнат никоҳ эвазига таклиф қилинмаган. Балки, белгиланган муддат давомида маълум бир улуш эвазига таклиф қилинган ижара келишуви. Шунингдек, у аёл учун бериладиган маҳр миқдорини ҳам ифода қилмайди. Агар оят маъно шу маънони ифода қилса, унда саккиз йил белгиланиши сабаби қуйидагича бўлади:

- Мусо алайҳиссалом бошидан кечирганларини сўзлаб бергач, кизларнинг отаси Мисрга

кайтиб кетолмаслигини ва саккиз йил давомида у ерда тинчлик бўлмаслигини олдиндан тахмин қилган. Шу боис, унга саккиз йил ишлашни таклиф қилган.

- Қизларнинг отаси Мусонинг қалбида ватанига қайтиш фикри борлигини сезиб, уни у ерга қайтишдан умидини узиш учун саккиз йил (шу вақт мобайнида фикри ўзгариб қолишини умидида) ишлаб беришни шарт қилган (Имом Мотуридий, 2005:166).

Маҳри мисл – аёлга бериладиган маҳрнинг бири тури бўлиб, отаси тарафидан бўлган тенгдошларига берилган маҳрнинг миқдори ҳисобланади. Ёши, ҳусни жамоли, молу давлати, яшаётган ҳудуди ва замони, бокира ва саййиба (яъни, жувон)лиги инобатга олинади. Шунингдек, одоб ахлоқиға ҳам эътибор қилинади. Агар отаси тарафдан тенгдошлари топилмаса, бегоналар орасидан қаралади. Аммо онаси тарафдаги тенгдошларига берилган маҳр инобатга олинмайди. Лекин ота-онасининг қариндошлиги бир ёки икки авлодда бирлашса, маҳри мислга аниқлик китиришда онанинг қариндошларини инобатга олиш жоиз (Мулла Али Қорий, 2005:62).

## МУҲОКАМА

Воқеани батафсил ўрганиб ижара келишуви олдинги пайгамбарларнинг шариатларида ҳам бўлганига ва турли шартлар асосида келишув амалга оширилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Аҳамиятли тарафи шундаки, воқеада ижара келишуви озгаки тарзда амалга оширилган ва томонлар мазкур келишувнинг шартларига амал қилган. Аслида кизларнинг отаси Мусонинг ҳулқи гўзал бўлгани боис унга қизиқиш билдирган. Шу боис, унга кизларидан бирини никоҳлаб беришни маълум қилган.

Улар саккиз йил давомида қўйларини бокиш ҳусусида ижара келишувини амалга оширган. Чунки айрим муфассирлар Мусога кизлардан бирини никоҳлаб бериш алоҳида масала ва қўйларни бокиш билан боглик ижара келишуви эса алоҳида деб ҳисоблаган. Шу боис, Мусо алайҳиссалом кизлардан бирига ўйланиб, уларнинг отасининг қўйларини бокиб тирикчилик қилган, деб ҳулоса қилиш мумкин.

Шунингдек, Каҳф сурасининг 77-оятда ҳам ижара шартномаси билан боглик масала ёритилган.

تَوَجَّهًا فِيهَا جَدًّا يُرِيدُ أَنْ يَنْقَضَ قَائِمَتُهُ  
قَالَ لَوْ شِئْتُ لَأَعْتَدْتُ عَلَيْهِ أُجْرًا

“Кейин ўша жойда йиқилай деб турган бир деворни кўришгач, (Хизр) уни тиклаб қўйди. (Мусо) деди: “Агар хоҳласанг, бу (ишинг) учун ҳақ олишинг мумкин эди” (Абдулазиз Мансур, 2021:302).

Оятда бажарилган ишнинг эвазига ҳақ қилиш мумкинлиги ҳақида баён қилинган. Бу Мусо пайгамбарнинг шариатида ижара қилишунинг жонзлигига яна бир далилдир.

Аслида Мусо пайгамбар Хизрни текинга ишламаслик ва амалга оширилган ишнинг хизмат ҳақини талаб қилишга қизиқтирган. Шунингдек, у ўзлари учун зарур эканини уқтиришга ҳаракат қилган. Аммо Мусонинг таклифини Хизр қабул қилмаган ва унинг сабаби олдинги ҳамда кейинги оятларда батафсил келтирилган. Уни ижара шартномаси билан алоқаси бўлмагани учун келтирилмади.

Эътиборли жиҳати ҳеч қандай қилишув бўлмаган нарсага иш ҳақи талаб қилишга таклиф қилганидир. Демак, бу каби ҳолатларда ижара ҳақи талаб қилиш Мусо пайгамбарнинг шариатида жонз бўлган, деб хулоса қилиш ўлиши мумкин. Аммо ислом ҳуқуқида ижара шартномасининг асосий шартларидан бири бу – иш ҳақининг олдиндан белгиланишидир. Оят келтирилган воқеада эса, ҳеч қандай қилишув бўлмаган.

Шунингдек, айрим факихларнинг фикрига кўра, Жума сурасининг 10-оятда ҳам ижара шартномаси билан боглиқдир.

فَإِذَا قُضِيَتِ الصَّلَاةُ فَانْتَبِهُوا فِي الْأَرْضِ وَإِنْتَعُوا مِنْ قَضَى اللَّهِ

“Бас, қачонки, намоз адо қилинган, ерда тарқалиб, Аллоҳнинг фазли (ризки)дан истайверингиз!” (Абдулазиз Мансур, 2021:554).

Мазкур оят маъно ва мазмун жиҳатидан ижара шартномасига алоқаси йўқдек кўринади. Аммо “Бадюус Саноеъ” китобининг муаллифи оятни қуйидача изоҳлаган: “Ижара ақди - Аллоҳнинг фазли (ризки) қилишга сабаб бўладиган омиллардан биридир (Alouddin Kosoni, 2003:512).

Демак, оятдаги “Аллоҳнинг фазли (ризки)дан истайверингиз!” иборасидан Аллоҳнинг марҳаматидан умид қилган ҳолда касб-камолот билан шугалланишни тушуниш мумкин.

“Тафсир ал-Қуръон ал-аъзим”да таъкидла-нишича: Аллоҳ таоло оятда жума намозини адо

қилиб бўлган турли тарафларга тарқалиш ва Яратганнинг марҳаматидан умид қилган ҳолда ризқ ишлари билан шугулланишга амр қилди. Салаф уламоларидан айримлари: қим жума қуни намоздан сўнг бирор нарсани сотса ёки сотиб олса, Аллоҳ таоло унга етмиш баробар барака беради (Ибн Касир, 1999:122), дедилар.

Ижара шартномаси олди-сотдининг бир тури эканини инобатга олиб, оятда бошқа касблар сингари ижара шартномаси билан боглиқ ишлар билан шугулланишга тарғиб қилинган, деб хулоса қилиш мумкин.

Аммо айрим тафсир китобларида муфас-сирлар оятдаги “Аллоҳнинг фазлидан истай-верингиз!” иборасидан мурод, ризқ билан шугулланиш дегани эмас, балки бошқа маънони ифода қилишини айтиб ўтганлар. Жумладан, “Дурру-л-мансур” китобида Ибн Жарир Анас ибн Моликдан ривоят қилади: Расулulloҳ (с.а.в.) Аллоҳ таолонинг **“وَإِنْتَعُوا مِنْ قَضَى اللَّهِ”** “Аллоҳнинг фазлидан истайверингиз!” ояти қаримасининг маъноси хусусида: Бу молу давлат учун ҳаракат қилиш эмас, балки беморни ҳолидан хабар олиш, жанозага хозир бўлиш ва Аллоҳ йўлидаги биродарини зиёрат қилиш, дедилар (Жалолиддин Сулеймон, 2003:482).

Аслида оят умумий маънони ифода қилиб шариатда мувоҳ бўлган ҳар қандай иш билан шугулланиш тушунилади. Балки юқоридаги ҳадис оятнинг умумийлигини хос маънога айлантираётган бўлиши мумкин. Агар шундай бўлса, мусулмонлар жума намозини ўқиб бўганидан сўнг фақат ҳадисда зикр қилинган ишлар билангина шугулланиши жонз, қолганлари мумкин эмас, деган тушунча келиб чиқади. Бу инсонларга қийинчилик туғдиради. Шунинг учун оятнинг маъносини умумийлигига қолдириш фойдалироқ деб хулоса қилиш мумкин.

Аллоҳ таоло Жума сурасининг 9-10 оятларида аввалига мусулмонларни жума намозига азон айтилган вақтида олди-сотди қилишдан қайтариб, жумладан, **“وَذَرُوا الْبَيْعَ ... وَابْتَغُوا فِي سَاوَدَاتِهِنَّ تَرْكَهِنَّ”**), деб фақатгина савдо ишларини тўхтатишга амр қилган бўлса-да, намоздан машғул қиладиган барча ишларни тарк қилиш лозим бўлади. Бу “Усул ал-фикҳ” илмида “хос билан омми ирода қилиш” қондаси, яъни, хос сўз билан умумий маънони ирода қилинади. Кейинги оятда эса, **“وَابْتَغُوا مِنْ قَضَى اللَّهِ”** “Аллоҳнинг фазлидан истайверингиз!”), деб келтирилди. Бу ўринда Аллоҳ таоло хос маънони ифода қиладиган

сўзни келтирмади. Балки умумий маънони ўзини келтирди. Бу савдо-сотикдан ташқари барча турдаги касбларни ўз ичига олади. Имом Абу Мансур Мотуридий (ваф. 333/945) “Таъвилоти ахли сунна” да **وَائْتَمُوا مِنْ فَضْلِ اللَّهِ** “**Аллоҳнинг фазлидан истайверингиз!**”, яъни, тижорат ва касб билан шугулланингиз, деган маънони ўз ичига олади (Имом Мотуридий, 2005:17), деган.

Айрим фикҳий манбаларда Юсуф сурасининг 72-ояти ҳам ижара шартномасининг жоизлигига далил бўлиши айтилган.

قَالُوا تَقْدِرُ صَوَاعَ الْعَلَمِ وَلَمْ يَأْنِ بِهٖ جُلُوعٌ وَآلَا بِهٖ زَعِيمٌ

(Жарчилардан бири) айтди: “**Подшоҳнинг ўлчов идишини йўқотдик. Уни топиб келтирган кишига бир туя юк (мукофотдир). Мен шунга кафилман**” (Абдулазиз Мансур, 2021:244).

Имом Жассос “Мухсар ат-Таҳовий”га ёзган шарҳида қуйидагича баён қилган: “Мазкур оят ижарага далолат қилади. Чунки унда йўқолган нарсани топиш эвазига бир туя юк белгиланди” (Абу Бакр Жассос, 2010:384).

Ижаранинг асосий шартларидан бири шартномани тузиш вақтида ижарага берувчи ва ижарага олувчининг ёки уларнинг вакиллари иштирок этиши лозимдир. Оятда билдирилган таклифни қабул қилувчи шахс номаълум. Шу боис, уламолар унда билдирилган таклиф қафолат, ижара ёки бошқа ижтимоий муносабат экани тўғрисида ихтилоф қилганлар.

Ислом ҳукукшунослигида мукофот эълон қилиш тарзида амалга ошириладиган қелишув мавжуд бўлиб, у араб тилида **الْجُعْلُ** [al-ju'lu] ёки **الْجَعْلَةُ** [al-jiolatu] деб номлади.

Ижара ва жиёла қелишувларининг фарқи шундаки, ижарада эваз, яъни ижара ҳақи ва бажариладиган иш аниқ бўлади. Жиёла қелишувида эса, бериладиган эваз, яъни иш ҳақи мукофот тарзида эълон қилинади ва бажариладиган иш номаълум бўлади (Ибн Арабий, 2003:65). Шунингдек, унда фақат таклиф билдирувчи бўлади. Белгиланган ишни бажарувчи номаълум бўлади (Шамсиддин Куртубий, 2010:480).

Оятнинг мазмунидан бажариладиган иш, яъни ўтгирланган нарсани топиш ва иш ҳақи аниқ эканини кўриш мумкин. Аммо “бир туя юк” нимадан иборат эканига аниқлик киритилмаган, масалан, бугдой ёки арпа ва ҳоказо. Бунини Мовардий қуйидагича изоҳлаган: бир туя юк, уларнинг урфида маълум миқдордаги нарса

бўлган (Абулҳасан Мовардий, 2005:62). Шу боис, оятда унга аниқлик киритилмаган.

Шунингдек, Бакар сурасининг 198-оятда ҳам ижара шартномаси билан боглиқ масалалар ёритилган.

لَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ اَنْ تَبْتَغُوا فَضْلًا مِنْ رَبِّكُمْ

“**(Ҳаж мавсумида тижорат билан) Раббингиздан фазл тилашингизда сизларга (ҳеч қандай) гуноҳ йўқдир**” (Абдулазиз Мансур, 2021:31).

Мазкур оятнинг нозил бўлиш сабаб айнан ижара масаласи билан боглиқдир. Абу Умомадан ривоят қилинади: “Мен Ибн Умардан сўрадим: “Мен туяни етаклаб Маккага бориб қелиш учун ижарага ёлландим. Мени ҳаж ибодатим дуруст бўладими? У киши: “Ният қилдингми, Арафот тоғида турдингми, тош отдингми?”, деб сўради. Ҳа, деб жавоб бердим. Шунда у: бир киши Расулulloҳ (с.а.в.) дан ҳудди шу саволни сўради, жавоб бермадилар, Аллоҳ мазкур оятни нозил қилди”, деди (Абу Лайс Самарқандий, 1993:193).

Оятнинг нозил бўлиш сабабига доир бошқа ҳадислар ҳам тижорат, ижара масалалари билан боглиқдир.

Тарихдан маълумки, Макка шаҳрида ҳаж мавсумида тижорат авжига чиққан. У ерликларнинг асосий даромади ҳам шу билан боглиқ бўлган. Ислом дини келгач, мусулмонлар ҳаж ибодатини ният қилган кишига тижорат билан шугулланиш жоиз эмас, деган фикрга келган. Ушбу оят ҳаж мавсумида тижорат билан шугулланиш жоизлигини ифода қилган ва мусулмонларнинг мазкур масала юзасидан қарашларини ўзгатирилган.

“Рух ал-маъоний” китобида қуйидагича баён қилинган. Мазкур оят ҳаж мавсумида тижорат, ижара ва бошқа касб турлари билан шугулланиш жоизлигига далил бўлади (Шихобиддин Алусий, 1998:87). Демак, мазкур оят нафақат тижорат ва ижара балки бошқа касб билан шугулланишни ҳам жоизлигини ифода қилади.

## НАТИЖА

Юқорида келтирилган оятларда ислом ҳукукида ижтимоий-ҳукукий муносабатларга оид бир неча масалалар ёритилди. Жумладан, эмизикли болани эмизиш ва унинг шартлари тўғрисида баён қилинган бўлиб, унга кўра, уни эмизиш учун онасини ёки бегона аёлни ижара

асосида ёллаши жоиз. Шарти шуки, онаси турмушидан ажрашган бўлишидир. Ижара шартномаси боланинг отаси ёки унинг ўрнини босувчи шахслар ва иккинчи томон ўртасида тузилади. Ижара ҳақининг миқдорига келишув асосида аниқлик киритилади.

Ислом тарихида Шуайб ва Мусо пайгамбарлар ўртасида тузилган ижара келишуви никоҳ муносабти билан боглик эмас, балки Шуайб пайгамбарнинг қўйларини боқиш эвазига тузилган. Чунки айрим уламоларнинг фикрига кўра, никоҳ муқаддас тушунча бўлиб, у ижара шартномаси асосида амалга оширилмайди.

Ислом ҳуқуқида айрим ибодатларни бажариш асосида тижорий келишувлар, жумладан ижара шартномасини амалга оширишлари жоиз. Томонлар ўртасида тузилган ақд ибодатнинг муқаммал тарзда бажарилиши салбий таъсир кўрсатмайди. Масалан, ҳаж ибодатини бажариш жараёнида ижара муносабатлари билан боглик турли шартномаларни амалга оширишлари мумкин.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтилганда, ислом ҳуқуқида ижара шартномаси Қуръон оятлари билан собит бўлган.

Ислом ҳуқуқида она ва боланинг нафақаси онла бошлиги, яъни отанинг зиммасида вожиб-лигини инобатга олиб, ота болани эмизиш учун ижара шартномаси асосида бегона аёлни ёллаши мумкин.

Шартномада ижара ҳақининг миқдорини белгилашда томонлар ўзаро розилиги инобатга олинади. Шунингдек, эмизишга ёлланган аёл ўзининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб узранинг миқдорини кўпроқ талаб қилиш ҳуқуқига эга. Боланинг ҳаётини сақлаб қолиш билан боглик ҳолатларда она боласини эмизишга истисно тарзида ижара шартномаси асосида мажбурланади. Агар боланинг отаси вафот этган бўлса, боланинг эмизиш билан боглик масалаларни ҳал қилиш унинг меросхўрларидан асабаларининг зиммасига лозим бўлади.

Қуръонда келтирилган Шуайб ва Мусо пайгамбар ўртасидаги келишув ислом ҳуқуқида никоҳ ижара шартномаси асосида тузилишига асос бўлмайди.

Ҳаж ибодатини бажариш жараёнида турли тижорий келишувларни, шу жумладан, ижара муносабатларига доир шартномаларни амалга ошириш жоиз.

## МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдулазиз Мансуров. (2018). Қуръони карим маънолар таржумаси ва тафсири. Тўшкент: Тўшкент ислом университети нашриёт матбаа бирлашмаси.
2. Абу Бакр Жассос. (2010). Шарҳу мухтасар ат-Таҳовий. Ж. 3. Мадина. Дор ас-сирож.
3. Абу Лайс Самаркандий. (1993). Баҳрул-ўлум. Ж. 1. Байрут. Дор ал-кутуб ал-илмий.
4. Абдулҳасан Мовардий. Ан-Нукат вал-уъйун. Ж. 3. Байрут. Дор ал-кутуб ал-илмий.
5. Алодуддин Косоний. (2003). Бадонус саноеъ фи тартиби шароеъ. Ж. 5. Байрут. Дор ал-кутуб ал-илмий.
6. Жалолиддин Сулғотий. (2003). Дурру-л-мансур фи-тафсири би-л-масур. Ж. 14. Қоҳира. Марказ ҳижр лил буҳус вад диролат лил арабийяти вал исломий.
7. Ибн Арабий. (2003). Аҳқомул-Қуръон. Ж. 3. Байрут. Дор ал-кутуб ал-илмий.
8. Ибн Касир Дамашкий. (1999). Тафсирул-Қуръонил-азим. Ж. 8. Риёз. Дор ат-таййиба.
9. Ибн Касир Дамашкий. (1999). Тафсирул-Қуръонил-азим. Ж. 6. Риёз. Дор ат-таййиба.
10. Ибн Манзур. (йил кўрсатилмаган). Лисанул-араб. Ж. 4. Қоҳира. Дор ал-маъриф.
11. Ибраҳимов Н. (2017). Ал-Қомус. Арабча-ўзбекча луғат/ [Matn]. Ж. 1. Тўшкент: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.
12. Имом Моғурудий. (2005). Таъвилоту аҳли сунна. Ж. 10. Байрут. Дор ал-кутуб ал-илмий.
13. Мулла Али Қорий. (2005). Фатҳи боби-л-виноя. Ж. 2. Байрут. Дор ал-аркам ибн абил аркам.
14. Шайх Алоуддин Мансур. (2019). Қуръонил-азим. Мухтасар тафсири. Тўшкент: "Sharq" нашриёти.
15. Шайх Исмоил Ҳақкий. (1971). Рухул-баён фи тафсирил-Қуръон. Байрут. Ж. 1. Дор ал-кутуб ал-илмий.
16. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. (2013). Тафсири хилол. Ж. 4. Тўшкент: "Hilol-Nashr" нашриёти.
17. Шамсиддин Қуртубий. (2006). Жомеъул-аҳқамил-Қуръон. Ж. 4. Байрут. Ар-Рисала нашриёти.
18. Шамсиддин Қуртубий. (2006). Жомеъул-аҳқамил-Қуръон. Ж. 21. Байрут. Ар-Рисала.
19. Шиҳобиддин Алусий. (1998). Рухул-маъоний. Ж. 2. Байрут. Дор ихёут-туросил-арабий.

## REFERENCES

1. Abdulaziz Mansurov. (2018). Translation and interpretation of the Holy Qur'an. Tashkent: Tashkent Islamic University publishing house.
2. Abu Bakr Jassas. (2010). Sharhu mukhtasar al-Tahawi. J. 3. Medina. Dar as-siraj.
3. Abu Laith Samarkandi. (1993). Bahrul-'ulum. Vol. 1. Beirut. Dar al-kutub al-ilmiyyah.
4. Abulhasan Movardi. An-Nukat wal-u'yun. Vol. 3. Beirut. Dar al-kutub al-ilmiyyah.

5. Aladdin Kosani. (2003). *Badaius sanae' fi arrangement sharae'*. Vol. 5. Beirut. Dar al-kutub al-ilmiyyah.
6. Jalaluddin Suyuti. (2003). *Durru-l-mansur fi-t-tafsiri bi-l-masur*. Vol. 14. Cairo. The center is hijr lil buhus wad dirosat lil arabiyati wal islamiyya.
7. Ibn Arabi. (2003). *Ahkamul-Qur'an*. Vol. 3. Beirut. Dar al-kutub al-ilmiyyah.
8. Ibn Kathir of Damascus. (1999). *Tafsir al-Qur'anil-azim*. Vol. 8. Mathematics. Dar at-Tayyiba.
9. Ibn Kathir of Damascus. (1999). *Tafsir al-Qur'anil-azim*. Vol. 6. Mathematics. Dar at-Tayyiba.
10. Ibn Manzur. (year not specified). *Lisanul-Arab*. Vol. 4. Cairo. Dar al-ma'arif.
11. Ibragimov N. (2017). *al-Qamus. Arabic-Uzbek dictionary/ [Text]*. Vol. 1. Tashkent: publishing house named after Ghafur Ghulam.
12. Imam Maturudi. (2005). *Ta'wilatu ahl al-Sunnah*. Vol. 10. Beirut. Dar al-kutub al-ilmiyyah.
13. Mulla Ali Qari. (2005). *Fath bab al-'inaya*. Vol. 2. Beirut. Dar al-arqam ibn abil arqam.
14. Sheikh Alauddin Mansur. (2019). *Qur'anil-azim. Brief interpretation*. Tashkent: "Sharq" publishing house.
15. Sheikh Ismail Haqqi. (1971). *Ruhul-bayan fi tafsil-Qur'an*. Beirut. Vol. 1. Dar al-kutub al-ilmiyyah.
16. Sheikh Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf. (2013). *Tafsir Hilal*. Vol. 4. Tashkent: "Hilal-Nashr" publishing house.
17. Shamsiddin Qurtubi. (2006). *Jami' al-ahkam al-Qur'an*. Vol. 4. Beirut. Ar-Risala Publishing House.
18. Shamsiddin Qurtubi. (2006). *Jami' ul-ahkamil-Qur'an*. Vol. 21. Beirut. Ar-Risala.
19. Shihabiddin Alusi. (1998). *Ruh al-ma'ani*. Vol. 2. Beirut. Dar ihya at-turas al-'Arabi.



**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИНГ  
“МОТУРИДИЙЛИК” ЖУРНАЛИ**

Мазкур нашр олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари, мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари, талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тахририят фикри муаллиф нуктаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.  
Журналдан кўчирма олинганда манба кайд этилиши шарт.

# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матүридизм

**1/2023**

*Бош муҳаррир:* **Ж.Каримов**

*Муҳаррир:* **З.Фахриддинов**

*Нашр учун масъул:* **З.Арслонов**

*Чет тилларидаги матнлар муҳаррири:* **О.Сотволдиев**

*Дизайнер-саҳифаловчи:* **З.Ғуломов**

**Манзилимиз:** Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази, 100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.

**Тел:** (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** [www.maturidijournal.uz](http://www.maturidijournal.uz)

**E-mail:** [info@moturidiy.uz](mailto:info@moturidiy.uz)

Наشريётнинг лицензия рақами АИ № 0011. 06.05.2019 йил.

Босишга 03.05.2023 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 ¼.

Ризограф усулда босилди. Шартли босма табағи 10,2.

Нашр табағи 10,4. Буюртма № 06.

Баҳоси шартнома асосида.

“Ўзбекистон халқаро ислом академияси”

наشريёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.

100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.



# IMOM MOTURIDIY

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المركز الدولي للبحوث العلمية

Jurnalga maqolalar qabul qilish  
uchun maxsus veb-sayt:

 [www.maturidijournal.uz](http://www.maturidijournal.uz)

 +998971 244-35-36

 [www.moturidiy.uz](http://www.moturidiy.uz)

   @moturidiyuz

 [info@moturidiy.uz](mailto:info@moturidiy.uz)